# «ТАНТАНАЛИ ҚАСАМЁД ҚИЛАМАН...»

СОВЕТ АРМИЯСИ САФИГА ЯНГИ КЕЛИБ ҚЎШИЛГАН ЙИГИТЛАР ҲАРБИЙ ҚАСАМ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР



Туркистон ҳарбий округи қўшинлари тарихи музейида жанубий чегараларимиз ҳимоячисига ўрнатилган ёдгорлик олди ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Бугун бу ерга ҳарбий хизматни ўтай бошлаган ёш солдатлар ҳарбий онт ичгани — севикли Ватанларига, ўз халқи, жонажон Коммунистик партияга жангчиларнинг садоқатини ифода этувчи қасамёдни қабул қилгани келганлар.

Кечагина ўқувчи бўлган, корхона ёки колхоз қучоғидан келган ёшларнинг нигоҳи ниҳоятда жиддий. Уларни бу ерда кўпдан-кўп меҳмонлар, уруш ва меҳнат ветеранлари, ота-оналари ҳам кузатиб туришибди.

Бўлинма командирининг буйруғи янграйди:

— Ҳарбий қасамёдни қабул қилишга киришилсин!

## ЖАНГОВАР ХИЗМАТ КУНЛАРИ

Ҳарбий қасамёд. Унга содиқ Қизил қўшинлар революция учун жангга кириб ғолиб чиқишганди. Совет солдатлари Улуғ Ватан урушининг суронли йилларида мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигини қўлда қурол билан ҳимоя қилиб ҳарбий қасамёдга содиқликларини кўрсатганлар. 80-йиллар жангчилари ҳам бу тантанали қасамёдни муқаддас билишлари шубҳасиздир.

— Мен, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг граждани, СССР Қуролли Кучлари сафига кирар эканман, тантанали суратда қасамёд қиламан...

Оддий солдат С. Саидовнинг жарангдор овози музей залида янграмоқда. У ҳарбий хизматга йўл олаётганда қурилишдаги ҳамкасб дўстларига жасур, интизомли, сергак жангчи бўлишга ваъда берган эди. Сергей армиягача монтажчи бўлиб ишлар, кўп қаватли турар-жойларни тиклар эди. «Биз бригадамиз шаънига доғ туширмаслигингга, ҳақиқий солдат бўлишингга ишонамиз» деганди С. Саидовни кузатиш маросимида бригада бошлиғи М. Эсонқулов. — «Ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, коллективимизга қайтавер. Сени албатта кутамиз». С. Саидов бутун бригада коллективининг бу наказини бажаришга тайёр.

Оддий солдат Д. Авдеев қасамёд қабул қилмоқда.

Ҳарбий хизматнинг дастлабки кунларидан у ҳарбий ва сиёсий тайёргарликда сафдошларига ўрнак бўлмоқда. Оддий солдатлардан А. Карев, С. Ермолаев, И. Муҳаммадиев, Б. Уллиев, В. Соболев, М. Кудековлар унга тенглашишга интилишмоқда. Йигитлар Ватанимиз осмони ҳамиша беғубор бўлиши учун В. И. Ленин васият қилганидек ҳарбий ишни чинакамига ўрганмоқдалар.

Оддий солдат Г. Новиков ҳарбий қасамёд қабул қилар экан, унинг бувиси Евдокия Николаевнанинг кўзига қувонч ёшлари қалқиди: Улуғ Ватан урушининг биринчи куниёқ, 1941 йилнинг 22 июнида у турмуш ўртоғини фронтга кузатган эди. Григорий Павлович қаҳрамонона жанг қилди. Машҳур «катюша» расчётида фашистлар устига ажал ўтини ёғдирди. Артиллериячи кўпгина жанговар орден ва медаллар билан мукофотланган эди. Смоленск бўсағаларидаги жангларнинг бирида у қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Евдокия Николаевнага Григорий Павловичнинг сафдош дўстлари тақдим этган ҳарбий нишонлар, фронтдан олинган хатлар Новиковлар оиласи учун энг қимматбаҳо меросга айланди. Оддий солдат Г. Новиков бобосидек Ватанга садоқат билан хизмат қилиш учун ваъда бермоқда.

Бу ёш йигитлар ҳарбий қасамёдни Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги нишонланган йилда қабул қилмоқдалар. Улар боболари ва оталарининг жанговар анъаналарига содиқ қолиб она-Ватан ҳимоясида сергаклик билан туришга тантанали ваъда бердилар.

Лейтенант В. Клементьев бўлинмаси жангчилари ҳарбий қасамёдни қабул қилганларидан сўнг уларни командирлар, уруш ва меҳнат ветеранлари қизғин табриклашди.

**А. МАКСИМЧУК,**
**лейтенант.**

● **СУРАТДА: истеъфодаги гвардиячи капитан, Улуғ Ватан уруши ветерани Б. Х. Қаландаров оддий солдат Б. Уллиевни ҳарбий қасамёд қабул қилгани билан табриклаяпти.**

**А. МАНТРОВ фотоси.**

*Бадиий ҳаваскорлик коллективлари ҳаётидан*

# «НИҲОЛ» ТАРОНАЛАРИ

Бу ансамбль қатнашчиларининг байрам тантаналарида, қизиқарли учрашувлар ва кечаларда ўз мухлисларини мафтун этиб, олқиш олганига бир неча йил бўлди. Ҳозирги кунда совхоз клубида меҳнаткашларнинг маданий дам олишларига бағишланган бирон-бир тадбир уларнинг иштирокисиз ўтмайди. Турли касб эгаларидан иборат бўлган «Ниҳол» бадиий ҳаваскорлик ансамбли қатнашчиларининг ҳар бир чиқишларини йиғилганлар ўзгача бир қувонч билан қарши оладилар.

Ҳамма нарса изланиш ва меҳнатга боғлиқ экан. Замонавий клубга эга бўлган Паркент районидаги «Коммуна» совхозининг ўз бадиий ҳаваскорлик коллективи йўқлиги аввалига бир нечта йиғилишларда мунозараларга сабаб бўлди. Бир гал ёшларда ғайрат-шижоатнинг етишмаслиги, уларнинг бу ишга бефарқ қараётганликлари ҳам танқид қилинди. Бу бежиз эмас эди. Қўшиқ ва рақс санъатига ёшлигидан астойдил меҳр қўйган йигит-қизлар совхозда кўпчиликни ташкил этишарди. Аммо уларни жамлайдиган, ўз имкониятларини бу соҳага йўналтиришга сафарбар эта оладиган ташкилотчи йўқ эди. Бу иш ёш педагог Равшан Тўлаев зиммасига юкланди. 1980 йили унинг бошчилигида «Ниҳол» бадиий ҳаваскорлик ансамбли ташкил этилди.

Ўнлаб ёшлар унга дастлабки кунларданоқ аъзо бўлиб кирдилар. Ишдан сўнг клубга йиғилиб қўшиқ санъатини эгаллай бошладилар. Ансамбль коллективи 1 Май байрамида ўзларининг дастлабки концерт номерларини қўйиб беришди. Ҳаваскорларнинг қўшиқ мухлислари билан ўтказилган илк учрашуви муваффақиятли якунланди. Унинг қатнашчилари Асад Эрматов, Набижон Зуҳуров, Шоҳида Юсубалиева, Хотира Маннопова лар ижро этган энг яхши қўшиқларни тинглаб, рақсларни мириқиб томоша қилишди.

Ўшандан буён орадан 5 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бу муддат ичида «Ниҳол» ансамбли қатнашчилари ўз маҳоратларини ошириш йўлида қунт билан изландилар. Репертуарларини янги куй-қўшиқлар билан бойитишди. Эндиликда улар район совхозлари меҳнаткашлари ҳузурида бўлиб, концерт программаларини намойиш этиб боришаяпти. Бадиий ҳаваскорлик коллективлари ўртасида ҳар йили ўтказилаётган район кўрик концертларида совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишмоқда.

Ҳозир ансамблга бирлашган ёшларнинг сафи кенгайиб, 20 нафарга етган. Улар ўзига хос қўшиқ ва рақслар гулдастасини минглаб мухлисларига ҳадя этмоқдалар.

**Р. АҲМАДАЛИЕВ.**

## Спорт

## МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

ЁШЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ СПОРТ ЎЙИНЛАРИДА

● **Мамлакатимизнинг бир қатор шаҳарларида ёшларнинг Бутуниттифоқ биринчи спорт ўйинлари мусобақалари давом этмоқда. Ўзбекистон хоккейчилари Харьков шаҳрида қатнашиб мусобақа ғолиби бўлишди. Улар финалда РСФСР командасини йирик 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Терма командамиз асосини «Политотдел» қизлари ташкил этади. Хоккейчи ўсмирлар командамиз эса олтинчи ўринни олди.**

● **ШАХМАТ. Ленинградда ўтказилаётган турнирда Ўзбекистон вакиллари Туркманистон командасини 5:1 ҳисобида ютиб, Озарбайжон вакиллари билан бўлган учрашувда эса 1,5:0,5 ҳисобида устунлик қилиб турибдилар.**

● **Тожикистон командасини 42:24, сўнгра эса Арманистон вакилларини 37:21 ҳисобида мағлубиятга учратган қўл тўпи командамиз финал саккизликка йўлланма олди. Қизларимиз ҳам кучлилар даврасига чиқдилар. Улар Грузия гандболчиларини 25:18 ҳисобида енгишиб, финал саккизликда қатнашадиган бўлишди.**

● **КИЕВ. Бу ерда классик кураш бўйича ўтказилган мусобақалар тугади. Б. Жўраев 45 килограммгача вазнлилар баҳсида олтин медал эгаси бўлди. И. Илёсов ва А. Тошпўлатовлар кумуш, Ш. Худойбердиев бронза медали билан тақдирланди.**

РЕКОРД 15 САНТИМЕТРГА ЯНГИЛАНДИ

● **РЕСПУБЛИКА енгил атлетика тарихида шу вақтгача ҳеч бир спортчи узунликка сакрашда 8 метрлик маррани забт этмаган эди. Виктор Рубан Вильнюсда ўтказилган Бутуниттифоқ биринчилигида 8 метр 10 сантиметр натижа кўрсатди. Бу енгил атлетикачи 1980 йилда 7 метр 95 сантиметр узунликка сакраган эди. Республика рекордини бир йўла 15 сантиметрга янгилаган В. Рубан халқаро классдаги спорт мастери нормативини ҳам бажарди.**

*Томорқа деҳқончилиги бўйича маслаҳатлар*

# КЕЧКИСИ ҚАНДАЙ ЕТИШТИРИЛАДИ?

АКСАРИЯТ картошка навларини етиштириш учун оптимал ҳарорат 19—23 даража бўлиши керак. Мева тугиш даврида ҳароратнинг кўтарилиб кетиши эса ҳосилдорликнинг камайиши ва сифатининг пасайишига таъсир этади. Кечки картошканинг ҳосил тугиш даври эса кузнинг салқин пайтига тўғри келади. Томорқаларда картошкадан мўл ҳосил етиштириш учун унинг навларини тўғри танлаш катта аҳамиятга эга. Ёзда экиш учун картошканинг кечпишар навларидан Қайчибарг (Вольтман), Обидов-2, ўртапишарларидан —Лорх, Берлинхинген, Фаленский каби навлари тавсия этилади.

Экиш муддати эса уруғликнинг ҳолати ва навига қараб белгиланади. Навнинг ўзига хос бўлган белгиларига қараб, текис, ўртача катталикда (50—60 грамм), айнимаган, шикастланмаган картошкалар ажратилади. Одатда сақланган уруғлик ҳаддан ташқари кўкариб кетади. Шунинг учун ўсимталар бир-икки марта синдирилади. Экиш вақтигача туганакда янги ўсимталар ҳосил бўлиши учун экишга 1,5 — 2 ҳафта қолганда ўсимталар охирги марта синдирилади. Бу —экилган туганакларни анча эрта ва қийғос кўкариб чиқишини таъминлайди. Картошка экишда қатор ораларининг кенглиги 70 сантиметр, қатордаги ўсимликлар ораси 30—35 сантиметр бўлиши керак. Агар уруғлик майдароқ бўлса қаторлардаги туп оралиғи 25 — 30 сантиметрга келтирилиб, кўчат қалинлиги оширилади.

Ҳар 100 квадрат метр ерга 25 —30 килограмм уруғ сарфланади. Картошка ёзда экилганда йирикларини 15 сантиметр, майдаларини эса 10—12 сантиметр чуқурликка кўмилади. Уруғ экилгандан кейин картошкани парвариш қилиш тупроқнинг доимо юмшоқ ва бегона ўтлардан ҳоли бўлишини, оптимал сув режими ва озиқлантиришни таъминлашдан иборатдир.

Ўсимликнинг бўйи 15 —16 сантиметрга етганда ернинг нами қочмасдан биринчи чопиқ ўтказилади. Бу чопиқ картошка агротехникасининг энг асосий тадбирларидан бири ҳисобланади. Картошка сифатли чопилганда фақат бегона ўтлар йўқолиб қатордаги туп ораларигина юмшаб қолмай, балки ўсимлик ёзги жазирама иссиқ таъсиридан ҳам анча сақланади. Шунинг учун картошканинг биринчи чопиғи қанчалик яхши ўтказилса, у шунчалик тез ривожланади ва мўл ҳосил беради. Биринчи чопиқда картошка тупи атрофи чуқур юмшатилади ва ўсимлик теварагига юмшоқ тупроқ уйилади. Шундай қилинмаса, бундан кейинги парваришда чуқур ишлов бериш қийин бўлади. Биринчи чопиқдан тахминан 20—25 кун ўтгач иккинчи кўмма чопиқ қилинади. Кўмма чопиқ картошка ёппасига гуллагунча тамомланмоғи лозим, чунки кечикиб чопиқ қилинганда ўсимликни картошка тугадиган оқпоялари (отапон) зарарланади, бу эса ҳосилнинг камайиб кетишига сабаб бўлади. Ўзбекистон шароитида картошка экини энг аввало азотли ва фосфорли ўғитларга эҳтиёж сезади. Минерал ўғитлар органик ўғитлар билан аралаштириб сепилган тақдирдагина мўл ва сифатли ҳосил олиш мумкин.

Кечки картошка экиладиган майдонларга экишдан олдин ерни ағдариб чопаётган даврда ҳар 100 квадрат метр ерга 150—200 килограмм маҳаллий ўғит (гўнг), 6—7 килограмм азотли, 5—6 килограмм фосфорли ўғит ва 1,5—2 килограмм калий ўғити солинади. Минерал ўғитлардан унумли фойдаланиш учун уларни экинга тубандагича солиш керак: калий ўғитини ҳаммасини ва фосфорли ўғитни 75 процентини ерни экишга тайёрлашда, қолган 25 процент фосфор ўғитини картошкани экиш вақтида бевосита уруғлик остига солинади. Азотли ўғитни 30 процентини экиш билан бир пайтда, қолган қисмини эса икки муддатда, яъни биринчи ва иккинчи чопиқ даврида тенг миқдорда берилади.

Картошка тупроқнинг сернам бўлишини ёқтиради. Шунинг учун картошка парваришида энг муҳими уни ўз вақтида суғоришдир. Кечки картошка одатда нам тупроққа экилади. Уруғ униб чиққандан кейин ернинг нами қочмасдан ҳар 8 —10 кунда суғориб турилади.

Картошка яхши ўсиб, гуллаб ҳосил тугиш даврида намга бўлган талаби бирмунча ортади. Ана шу даврда картошкани тез-тез ҳар 6—7 кунда суғориб туриш зарур. Вегетация даврида кечки картошка ҳаммаси бўлиб ерости сувлари яқин бўлган жойларда 8—10 марта, ерости сувлари чуқур жойлашган бўлса 13—15 мартагача суғорилади. Ҳосилни йиғиштиришга икки-уч ҳафта қолганда суғориш тўхтатилади.

Картошка пишиб етилганда унинг палаги сарғаяди, картошкасининг пўсти қотиб сидирилмайдиган бўлиб қолади. Ёзда экилган картошка октябрь-ноябрь ойларида тўла пишиб етилганда кавлаб олинади, чунки етилмаган картошка қишда яхши сақланмайди.

**А. УМАРОВ,**
**қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.**

## ТИНЧЛИК ФОНДИГА

Қуйи Бўзсув ГЭСи ишчи-хизматчилари ўтган дам олиш кунини одатдагидай ўз иш жойларида ўтказдилар. Улар «Зарбдор меҳнатимиз — тинчлик фондига» шиори остида астойдил ишлаб, юксак меҳнат унумдорлигига эришдилар. Нурхона коллективи шу бир кунлик 589 сўм иш ҳақини совет тинчлик фондига ўтказди.

Совет тинчлик фонди Давлат банкининг Янгийўл бўлими счетига райондаги бошқа колхоз, совхоз, корхона ва ташкилотлардан ҳам маблағлар келиб тушмоқда. Тинчлик фондига район меҳнат ва уруш ветеранлари салкам 300 сўм, халқ маорифи ходимлари 3900 сўм, социал таъминот бўлими коллективи эса 200 сўм пул ўтказдилар.

**М. ПЕЙСЕНОВ.**



●

**Тошкентдаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳар икки меҳнаткашидан биттаси табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг аъзосидир. Жамият бошланғич ташкилотининг 10 йиллик актив фаолияти натижасида бирлашмада муҳим тадбирлар амалга оширилди. Корхона территориясида катта боғ, гулзорлар ташкил этилган, цехлар, биноларда ҳам кўплаб гулларга кўзингиз тушади. Бирлашма тирик бурчагида эса сайроқи қушларнинг ўнлаб турлари бор. Суратда: бирлашма боғида.**

Р. ШАМСУТДИНОВ фотоси.

ЎзТАГ фотохроникаси.

●

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

# БЕТАРТИБЛИК, МАДАНИЯТСИЗЛИК

Чоршанба куни ишдан чиққандан сўнг, маданий дам олиш мақсадида 30 километрлик масофани босиб, Тошкентнинг энг ажойиб маданият ўчоғи — «Санъат саройига» бориб, «Водиллик келин», «Келинлар қўзғолони» кинокомедияларини кўришга аҳд қилдик. Соат 20 да, 21.35 да бошланадиган сеансга билетлар қолмаганлигидан, Сарой кассалари олдидаги «ҳожатбарор» йигитлардан бир сўмлик билетларни 2,5 сўмданга олиб, бино ичкарисига кирдик. Кино бошлангунча музқаймоқ емоқчи, ҳар хил салқин ичимликлар ичмоқчи бўлдик.

Бироқ «Шодлик» ресторанига қарашли буфетларнинг иккаласида ҳам қора кофедан бошқа на минерал сув, на салқин ичимлик бор экан. Музқаймоқ сотувчи аёл эса навбатда туриб овора бўлманглар, тугаб қолди, деб ҳафсаламизни пир қилди. Ҳали сеанс бошланишига бир соатдан ортиқроқ вақт бор. Ҳеч бўлмаса эшикка чиқиб сув ичиб келмоқчи бўлдик. Пастки қаватга тушдик. Билетларни текшираётган контролердан кўчага чиқиб сув ичиб келишга рухсат этишини илтимос қилганимизда у ўшқириб, сувми, сув қўл ювадиган жойда бор, биз ўша ердан олиб чой ичамиз-ку, сизлар нега ичмайсизлар, деб кўрслик қилиб шаштимизни қайтарди. Биз бундай санъат кошонасида томошабинларга нисбатан бўлаётган менсимасликдан ранжиб, директорга мурожаат этмоқчи бўлдик. Бу ердаги ходимлар директорлари ким ва қаерда эканлигини айтишдан бош тортишди. Барибир, биз директорни топдик, бироқ у киши гап нимада эканлигини билгандан сўнг, «директор соат еттиларда кетиб қолган, сувпувга директорнинг нима алоқаси бор, ресторан директори билан гаплашинглар», деб қўя қолди.

Хуллас, дам олиш тўғрисидаги ширин хаёлларимизни амалга оширишга умид қилиб, кинозалга қараб юрдик. Залга кириш ҳам осон бўлмади. Шовқин-сурон, урсур бошланди. Залга ёпирилаётган томошабинларни тартибга келтиришга ҳаракат қилаётган Сарой ходимларининг бақириқ-чақириқлари қулоқни қоматга келтирарди. Бир амаллаб 33-қатордаги жойимизни топиб ўтирдик. Ҳали шовшув тинмасдан фильм кўрсатила бошланди. Экранда пайдо бўлган актёрнинг нималар деяётганини эшитишга имкон бўлмади, тартибсизлик, шовқин-сурон.

Бутун сеанс давомида залда ёш болаларнинг йиғи овози, турли қичқириқлар тинмади. Охири бўлмади, кинонинг ярми тугагандан сўнг залдан чиқиб кетишга мажбур бўлдик.

Санъат саройи. Гўзал Тошкентимизнинг энг диққатга сазовор жойларидан. Бу кошонада қанчадан-қанча халқаро анжуманлар бўлиб, дўстлик, тинчлик, биродарлик ғояларини тарғиб қилишда Ўзбекистонимиз, пойтахтимиз шон-шуҳратини дунёга кўз-кўз қилган муқаддас жой бугунга келиб томошабинларни ранжитиб, шунчалик тартибсиз бўлиб қолса...

Маданият муассасаси эстетик завқ оладиган, ҳордиқ чиқарадиган тарбия ўчоғи. Улардаги хизмат, тартиб ва маданият ҳам шунга яраша бўлсин. Санъат саройи маъмурияти бу фикримизга қўшилармикин?

**М. ХЎЖАЕВА,**
**СССР Журналистлар союзи аъзоси.**

# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


**Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг**

Ю. А. ГАГАРИН НОМЛИ 29-ЯНГИОБОД ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**1985-86 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**10-синф маълумотидаги ўқувчилар ва Совет Армияси сафларида хизмат бурчини ўтаб қайтган кишилар учун:** тозаланадиган забой кон ишчилари. Ўқиш муддати —7,5 ой: механик айланадиган қудуқ қазиш машинасининг бурғиловчиси (шофёрлик ҳуқуқи билан). Ўқиш муддати—1,5 йил; қурувчи электр монтажчи, шахта электр слесари, сувоқчи-кошинкор-плитачи, шофёр ҳуқуқидаги автомобиль крани машинисти, озиқ-овқат моллари сотувчиси. Ўқиш муддати — 1 йил.

**8-синф маълумотидагилар учун:** сувоқчи кошинкор-плитачи, газ-электр пайвандчи, автослесарь (шофёрлик ҳуқуқи билан), совутиш қурилмалари ремонти бўйича слесарь, озиқ-овқат моллари сотувчиси, саноат моллари сотувчиси, ошпаз. Ўқиш муддати—3 йил.

Ўқиш муддати — 3 йил бўлган группаларга 14,5-15 ёшдаги қиз ва ўсмирлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати бир йил бўлган группаларга ўқишга кирган ўқувчиларга улар билим юртини битиргач, тегишли мутахассисликни эгаллаб чиққани ҳақида аттестат берилади. Мазкур группаларнинг талабаларига ўқиш даврида улар танлаган касбга қараб 30 сўмдан 107 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқиш муддати 3 йил бўлган группаларга ўқишга кирган ўқувчиларга улар билим юртини битиргач, тегишли мутахассисликни эгаллаб чиққани ва ўрта маълумот олгани ҳақида диплом берилади.

**БИЛИМ ЮРТИГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

**Ўқиш даври меҳнат стажига киради.**

Ўқувчилар бепул овқат, формали кийим-бош ва шинам ётоқхона билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга улар ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 проценти устама мукофот пули тариқасида тўланади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар ўрта махсус ва олий ўқув юртларига ўқишга киришда алоҳида имтиёзлардан фойдаланадилар.

**Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши шарт:** ариза, ўрта маълумот ҳақидаги аттестат ёки 8-синфни тамомлаганлик ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, характеристика, ҳарбий билет ёки ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома, ота-онасининг иш жойидан, яшаш жойидан справкалар, медицина кўригидан ўтганлик ҳақидаги ҳужжат, 6 дона фотосурат (3х4 см.).

**Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.**

Бизнинг адрес: Ўзбекистон ССР, Тошкент область, Янгиобод шаҳри, 2-алоқа бўлими, 14 квартал.

**Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИНИНГ**
10-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**1985—86 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Эркаклар устки кийимларини якка буюртмалар бўйича тикувчи уста, хотин-қизлар устки кийимларини якка буюртмалар бўйича тикувчи уста, хотин-қизларнинг енгил кўйлакларини якка буюртмалар бўйича тикувчи уста, мураккаб рўзғор техникаси бўйича** (совутиш қурилмалари) **слесарь, кенг профилдаги фотограф, кенг профилдаги сартарош, ошпаз, қандолатчи.**

**Юқоридаги ихтисослар бўйича ўқиш муддати—3 йил. Бу ихтисослар бўйича 8-синф ҳажмида маълумоти бор бўлганлар қабул қилинадилар.**

**Хотин-қизларнинг енгил кўйлакларини якка буюртмалар бўйича тикувчи уста, кенг профилдаги сартарош** (ўқиш муддати 1,5 йил); **кенг профилдаги фотограф, ошпаз, озиқ-овқат моллари сотувчиси, трикотаж ишлаб чиқаришининг тикувчи-мотористкаси** (ўқиш муддати 1 йил).

**Юқоридаги ихтисослар бўйича ўқишга ўрта маълумотлилар қабул қилинади.**

Билим юртига 8-синф ҳажмида маълумот билан кирганлар ҳар куни 3 маҳал бепул овқат, иш кийими ва дам олиш кунлари учун мўлжалланган кийимлар билан таъминланадилар. Уларга ўқишни тугатганларидан сўнг ўрта маълумот тўғрисида ва эгаллаган ихтисослари бўйича 5-разряд олганлиги ҳақида диплом берилади.

**Билим юртига ўрта маълумот билан кирганлар стипендия ва кийим-бош билан таъминланадилар.**

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчилар ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар. Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтиб келганларга биринчи разрядли ишчининг меҳнат ҳақи ҳажмида стипендия тўланади.

**Билим юртини битирганлар олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.**

**МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.**

**Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, техника ижоди ва спорт секциялари ишлайди.**

**Кирувчилар билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар:** туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, таржимаи ҳоли, турар-жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, отаси ёки онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР—1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 1/2 «Қорақамиш» массиви, 20-уй (42, 93-автобуслар; 10, 27-трамвайлар; 19, 56-маршрут таксиларининг «Мактаб» бекати, 7, 10-троллейбусларнинг «1/2-Қорақамиш массиви» бекати).


Редактор
**Н. НАСИМОВ.**

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

**БУГУН**

● МТ I

9.00 «Время». 9.40 «Мен — Метеор-101». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.10 Мультфильмлар: «Ширин булоқ», «Кул ранг думли бўри», «Бобом, бувим ва товуқ Ряба ҳақида». 10.40 «Н. Римский-Корсаков уйида». Фильм-концерт. 11.20 Болалар учун фильм. «Эзги беш баҳо». 12.35 Москва ўқитувчилар хори ижро этади. 12.50 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар. 16.00 «Дудук жаранглайди». Фильм-концерт премьераси. 16.35 «Рус тили». 17.05 «Сибирь экранда». Киножурнал. 17.15 «Халқ куйлари». 17.30 «Латвия менинг уйим». Ҳужжатли фильм. 18.00 Ямал-Ненец автоном округи «Ямал» ёшлар миллий ашула ва рақс ансамбли ижро этади. 18.25 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 18.55 «Баҳайбат Жиртон ҳақида». Мультфильм. 19.05 «Дунё воқеалари». 19.30 «Масеуатл» ансамбли ижро этади (Никарагуа). 20.05 Алкоголизмнинг зарари ҳақида ҳужжатли фильм. 20.15 «Москва классик балети» артистларининг чиқиши. 20.35 «Робин Гуд». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Англия). 3. серия. — «Элсдонлик алвасти». 21.30 «Время». 22.05 Зелена Гура шаҳрида совет қўшиқлари байрами (ПХР). 23.35 «Дунё воқеалари».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот». 10.25 «Уддабурон Берендеев». Бадиий фильм. 11.40 Болалар учун. «Бизнинг Чукоккала». 12.35 «Пионерлар мамлакатида» (рус.). 13.05 «Бахши шоирларнинг телевизион конкурси». Х. Турсунмуродов, Р. Қултўраев. 14.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим — фахрим». 18.45 «Республиканинг зарбдор қурилишларида». Олмалиқ химия заводининг тўртинчи навбати (рус.). 19.20 «Сеҳрли сандиқ». Қўғирчоқ фильм. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 20.05 «Созимда диёрим мадҳи». Сурхондарё область «Коммунизм» совхозининг «Роҳат» ҳаваскорлик ансамбли ижро этади. 20.30 «Ахборот». 20.50 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «У ёлғиз эмас эди». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.40 МТ II. 18.20 Кўрсатувлар программаси. 18.25 «Абитуриент-85». Физика. 18.55 Опералардан саҳналар. 19.30 «Сувни тежанг» (рус.). 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.25 Ойбек. «Қутлуғ қон». Кўп серияли видеофильм. 4-қисм (такрорий). 21.30 МТ II.

Р. — 05951 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. ИНДЕКС: 64684. А. 1744. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12